

TASHRIF




№ 09-10-сон (274)

2026 йил 25 май, душанба

Ижтимоий — сиёсий газета

E-mail: tashrif-gzt@mail.ru

Газета 2015 йил 1 январдан чиқа бошлаган.



Усмон Азим,
Ўзбекистон халқ шоири.

РИЁСИЗ СЎЗЛАР

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Муқаддима

Ҳақиқий ёзувчи-шоирлар ҳақиқатни ёзишни хуш кўрадилар. Дунёнинг қайси бир четидаги адолатсизлик уларга худди ўзининг уйида рўй бераётгандек туюлади. Қайдадир адолатнинг барқарорлиги ёки ғалабаси уларнинг руҳини кўтаради. Ҳар бир яхши одамнинг муваффақиятидан қувонадилар, одамларнинг муаммолари эса уларнинг ҳам муаммоларига айланади.

Улар — ватанпарвар. Ҳар ҳолда Ўзбекистонда худди шундай. Ватаннинг гуллаб-яшнаши, ижобий ўзгаришлар ҳар бир фуқаронинг ҳаётини юксалтириш сари қўйилган қадам эканлигини теран ҳис қилади, кайфиятлари кўтарилади.

Худога минг шукрим, бу ўзгаришлар ҳар соатда, ҳар кун рўй бериб турибди. Бутун мамлакат ҳаракатда. Энг муҳими, бу ислохотлар жайдари тусда эмас, балки жаҳоннинг энг илғор технологиялари асосида олиб борилмоқда. Шароитлар яратилгани туфайли инвестициялар бемалол кириб келяпти. Ривожланиш шиддати бутун мамлакатни қамраб олган.

Қалам аҳли бу ва кўплаб бошқа ютуқлардан хабарлари бор. Муаммоларни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни ҳам мудом сезиб турадилар.

Яқинда бир гуруҳ ижодкор дўстлар билан кўшни дўст мамлакатда сафарда бўлдик. Бир кеч ўз-ўзидан бадиҳа давра тузилиб, суҳбат гуруллаб кетди. Аввал мезбон мамлакатни Ўзбекистон билан таққос қила бошладик. Бараварига “Биз олдинга кетибмиз” деган хулосага келдик! Бугунги Ўзбекистон ҳақида гаплашдик. Мен етмиш олти йил умр кўрганимни, аммо халқимиз ҳеч қачон бундай яйраб яшамаганини айтдим. Даврадагилар бу гапимни ҳам бир оғиздан тасдиқлашди. Ҳа, шундай! Ҳеч қачон бундай яшамаганмиз!

Юракларни фахр билан тўлдирган бу эътирофлар қачон кўнглимизни тўлдирди?

Ахир биз эътироф этган ютуқлар ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ-ку?

Унинг ортида кимнинг меҳнатию заҳмати, бетиним ҳаракати ётибди?

Мамлакатимизнинг барча минтақаларига ёйилган бунёдкорликка ким ғайрат-шижоат бағишляпти?

Бу саволларга жавоб битта: ушбу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг — Ўзбекистон Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, Янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли кўрилмаган фидокорлиги!

Мен бу инсон ҳақида кўп ўйладим. Охири бу одам ҳақида ёзмасам, адолатдан бўлмас экан деган қарорга келдим.

Йўқ, хушомад қилиш ниятим йўқ. Нимага хушомад қиламан? Ёшим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга лиқилламай олган бўлсам...

== 1 ==

Бу ислохотлар бошланганда мамлакат қай аҳволда эди? Одамлар қандай яшаётган эди? Ўзимнинг бошимдан ўтказганларимни бир эслай. Мен кўп қаватли уйда яшайман. Уйимиз нечача қишлар бўйи исимасди. Бир фарзандим кейинчалик “Шу уйда бир умр совуқ қотиб улғайдик”, деб эслади.

Нафақага чиқдим. “Нафақангнинг ярми тўланади” дейишди. Нима дейман? Хўп-да... Кўпга келган тўй. Маош ҳемири. Ярим пенсияга кўшиб, ойдан-ойга аранг етказамиз. Тўлов пластик картаси билан машмашаларни-ку айтмай. Дўконга борасан. Керакли молнинг

нархини сўрайсан. “Нақд олсангиз саксон сўм, пластик карта билан тўласангиз юз”...

Деновда бозорнинг нақ ўртасида пластик карталардаги пулларни нақдга алмаштириш “пункти” очилди. Ўша безбет шаклда — юз сўм ечиб олишса, саксон сўм қўлингга беришади. Энг даҳшати, бу пунктни бундай ҳоллар юз бермаслигини назорат этувчи ташкилотларнинг одамлари юритишади. Додингни кимга айтишни билмайсан..

Бу лўттибозликлар бутун халқ кўз-ўнгида рўй берди. Ҳеч ким “миқ” этолмади. Кўркув. Бу кўркувдан яралган тақдирсизлик — эртани ўйлашдан чўчиш мудом елкадан тошдай босиб турди.

Қарз кўтардим. Долларда қарз берганларга долларда қайтариб бериш керак. Банк кассаларининг яқинига ҳам боролмайсан. Банклар долларни сотувга чиқариб, ўзлари сотиб олиб ётибди — одамларини қўйиб қўйишган — аллақандай шанқи хотинлар...

Бозорга борасан. “Долларчилар шайкаси” ҳар қадамда... Долларнинг нархи расмий нархдан икки баробар баланд. Кўр бўлиб, оласан.

Сурхондарёдан ғалла етиштирган бир тадбиркор менга учрашиб, ғалласини топширганини, аммо ҳақини еб кетишганини айтди. Мен бир-икки амалдорга айтган бўлдим. Бирор натижа чиқмади. Тадбиркор шу хўрликнинг жабридан ўлиб кетди...

У-бу жойлардаги ўзгаришлар одамларнинг дастурхонига етиб келмади. Мамлакатни фирибгарлар босди. Бу ишга қарши курашиш лозим бўлган ташкилотлар давлат ичида давлат

туздилар. Одамлар устидан зўравонлик жорий этилди.

Масалан, Сурхондарёда хавфсизлик хизмати аллақандай фашистик (бошқа сўз уларнинг қилмишини ифодалаб беролмайди) тизим ўрнатдилар. Одамларни пашша ўрнида кўрмадилар. Хўрладилар, мулкларини тортиб олдилар, мисли кўрилмаган қийноқларга солдилар, ўлдириб ҳам юбордилар. Қийноқларнинг Сталин замонида кечган усулларини қўлладилар. Уларни янада янги “поғона”ларга кўтардилар.

— Тирноқларимни суғуриб олди, — деб зорланиб

яшадим. Газета-журналларда ёзганларимни нашр этиш нари турсин, исм-фамилиямни ҳам ўчириб ташлайдиган бўлишди. Мен нима қилган эдим? Бир кўрсатувда “Бировлар ҳаром-ҳариш йўл билан пул тўплайптилар — пайти келгач пулларини кўтариб, хорижга жўнаб кетадилар”, деган рост гапни айтган эдим холос. Бу кўрсатув туфайли телевидениедаги неча-неча ижодкорлар жазоланди, ишдан кетди...

Тан олайлик, мустақилликнинг илк даврида, янги тизимли мамлакатни бунёд этиш, ночорликдан қутулиш учун бир қадар қаттиққўллик



эслайди уларнинг қўлига тушган бир бегуноҳ. — Ҳаммасини бараварига суғурса ҳам майли эди, ҳар кун биттасини суғурадди...

Ҳатто ҳокимларга ҳам тайиқ ўтказилди. Бу юртда улар ҳам ишлашдан бешиб қолдилар. Ноилож, ишдан кетиш ҳақида ариза ёздилар.

Мустақилликдан одамларнинг кўнгли қола бошлади.

Битта-ярим танишлар менга ҳам таъна қилди: “Ана, сиз орзу қилган истиқлол”... Рости, мен ҳам бебахт

ҳам зарур эди. Аммо мамлакат ривожланиб борган сари бу қаттиққўллик ўрнини адолат ўлчамларига мос йўриқлар аста-аста эгаллаб бориши кераклиги ҳам барчага аён эди. Бироқ бундай бўлмади. Чунки энг тепадаги одам ҳам найрангбозларнинг қўлида асирдай яшади. Жойларда рўй бераётган, ҳатто ўз оиласида рўй бераётган воқеалардан ҳам гофилликда қолди. Барча адолатсизликлар сир тутилди.

(Давоми
2-3-саҳифаларда.)

(Боши 1-саҳифада).

Юқоридаги ёзганларимни ҳеч ким рад этолмайди. Уларни бор бўйича кўрсатиш учун эса неча жилдлаб китоблар ёзса бўлади. Мен фақат бошимдан ўтказганларим ва туғилган юртим Сурхондарёда рўй берган машъум воқеаларнинг бир қисминигина эслаяпман. Авж олган муаммоларни бартараф этиш йўлларини ҳеч ким билмасди. Бироқ Парвардигор билгучидир! У мамлакатни ривожланиш сари йўналтириш учун нима қилиш кераклигини аниқ билди. Мамлакат Президентлигиغا Шавкат Миромонович Мирзиёев сайланди ва... бирдан мўъжизага ўхшаш ҳодисалар рўй бера бошлади.

Юқорида айтиб ўтган кўргиликлар битта-битта ечим топиб кетаверди. Тўлов пластик карталари рисоладагидай ишлай бошлади, пенсиялар тўлиқ бериладиган бўлди, банклар янгича ишлаш тизимига ўтди — хоҳласаларинг, мана сўм, истасаларинг доллар, марҳамат... Сурхондарёдаги одам қиёфасидаги ҳайвонлар ҳам жазосини олди. Аммо бу ечимларни топиш учун қанчалар сабот ва жасорат керак бўлганлиги фақат ва фақат Шавкат Миромоновичнинг бир ўзига аён. Ахир қаламга олганим ҳодисалардан ташқари, у кишининг зиммасида яна қанча-қанча ташвишлар бор эди.

Биргина Сурхон халқини зор қақшатган мустақилликнинг зараркунандалари “шайка”сини тугатиш нақадар қийин бўлганини тасаввур қиламан. Ахир улар осмондан тушмаган — бу гумроҳларни Тошкентдан мартабаси баланд, бели бақувват, бировни назар-писанд қилмайдиган ҳомийлари қўллаб-қувватлаб турарди. Бу жиноятчилар тўдасининг кўлами жуда катта — бир-бирлари билан зич боғланиб кетган; халқнинг манфаати деган муқаддас тушунчани тушида ҳам кўрмаган, одамлар ҳаётини хасдан ҳам арзон билган бедаволардан иборат эди. Аввал мана шу тўданинг боши кесилди. Бу иш осон бўлмади. Бўшангроқ бир одам бўлганда, улар билан мураса-мадора этиб кетаверарди. Аммо Шавкат Миромонович бундай қилишни ўзига эп билмади. Чунки ўртада Ватан, Халқ тақдири бор эди. Янги Ўзбекистонни бундай тўдаларга панжа орасидан қараб эмас, балки бу тоифа ноқисслардан тозалаб, покиза ният ва эзгу ҳаракатлар билан яратиш лозимлигини Шавкат Миромонович мудом теран ҳис этиб турарди.

Ватанни ҳалол одамлар яратишини бу инсон жуда теран тушунади.

Қотиллик илллати юққан бу каслардан эл-юрт озод қилинди. Аввал “тепа”даги, кейин пастдаги қатлам илдиизи билан суғуриб ташланди. Бу гаплар фақат айтишга осон...

Мамлакатимиз тарихида

РИЁСИЗ СЎЗЛАР

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

бу воқеалар кимгадир жуда кичик бир эпизод бўлиб туюлар, аммо халқни бошига чиқиб олган бундай жирканч тўдалардан озод этиш учун давлатимиз раҳбарига қанчалар матонат ва қатъият керак бўлганлигини бир тасаввур қилиб кўринг!

Эсимда, бу воқеалар ниҳоясига етказилган Президентимиз Сурхонга ташриф буюриб, “Сурхондарё халқи энди озодсан!” деб элга мурожаат этган эди.

Ҳақиқатан ҳам, Сурхондарё эркин нафас олди. Мен фақат яхши билганим Сурхондарё ҳақида ёзяман. Ўзбекистонда эса ўн тўртта минтақа бор. Уларнинг муаммоларини ҳал этишдаги Президентимизнинг мардонатор саъй-ҳаракатларини қаламга олиш учун эса бу мақола торлик қилишини сезиб турибман.

— 2 —

Одамлар яхшиликка тез кўникади. Бир-икки “яхши бўлди-е!” деб қувонишадую, худди ҳамиша шундай бўлгандай ўтиб кетаверадилар. Назаримда шундай бўлгани ҳам дуруст! Одамлар одамга ўхшаб яшашни ўрганипти! Муносиб яшаш мўъжиза эмас, шунчаки ҳар кун биз юзма-юз дуч келадиган воқелик эканига кўникаб боряпмиз-да!..

Аммо мен ривожланиш жараёни шу қадар жадал бораётганидан барибир қувонаман.

Авлиёлар, олимлар маскани бўлган Термиз эс билганимдан буён кўримсиз, чангу тўзонга қоришган, соясалқиндан йироқ — ёпиқ ҳарбий бир шаҳарча эди. Унга киришнинг ўзи ҳам бир машаққат — ҳарбийларнинг пости ўрнатилган, ҳар бир йўловчининг паспортини синчиклаб текширишар, агар Сурхондарё ҳисобида бўлмасанг, ўтиб кўр-чи!

Мустақилликдан кейин эса, хабарингиз бор, бундай текширувлар янада авж олди. Энди ҳар бир вилоят ўртасида сунъий тўсиқлар — милиция постлари ўрнатилди. Бу ҳол халқимизнинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланишига халақит берадиган ортиқча машаққат эди. Паспортни унутган бўлсанг, бу постлардан ўтишнинг ягона йўли — йўлини топиб бу посбонларга пора бериш... Бошқа иложинг йўқ. Назаримда бу постлар худди шундай вазиятни яратиш учун қўйилган туюқ эди...

Сурхондарёда эса бу ҳол йўловчини жиддий таҳликага соладиган даражада мурраккаб эди. Вилоятга кириш — Дарбанд постида худди хорижга кетаётганингдек бор-йўғинг тинтилар; юкларинг эса тасмага солиниб, ўткир кўзли ускуналар

ёрдамида кўздан кечирилари. Бу ҳам етмагандай, чамадонун сумкалар ҳам очиб текширилари... Тинтув. Хуллас, пора бермасанг қутулиб бўлсан. Термизга ва Сариосиёга кираверишда яна шу ҳолга дуч келинарсиз эди.

Бу тўсиқларнинг ҳаммаси Шавкат Миромоновичнинг бир шашти билан йўқ бўлди.

Чангу ғуборга қоришган Термиз ҳам бирдан ўзгара бошлади.

Ҳозир бу шаҳар кўчаларининг икки четида анвойи дарахтлар соя ташлаб турибди. Кетгунча ям-яшил чимзор. Гуллар ажиб бир дид билан экилган. Яқинда меҳмонхонадан машинада чиқиб, ана шундай гўзал — бир қарич ҳам узилмаган манзарани оралаб аэропортга бордим. Хорижий курорт шаҳарчаларни эслатади. Янги қурилган шинам, кўркам турар-жой иморатлари ҳам ярашиқли. Менга ўқитувчилардан бири “Одамларнинг уй-жойга эҳтиёжи тўлиқ қондирилган, икки-уч оила бир хонадонда тиқилиб яшайдиган халос бўлган”, деб қолди. Амалдор эмас, ўқитувчи айтди.

Термиз эса ўсяпти. Баланд-баланд бинолар қад кўтаряпти. Ҳатто шаҳар эркин нафас ростлаб — тиқилмай кенгайиши учун кўшимча ерлар кераклиги кўзга ташланиб қолди. Президентимиз бу масалани ҳам ҳал қилиб берди — шаҳарга кўшимча ерлар ажратилди.

Ўқувчида Сурхондарёда фақат Термиз гуллаб-яшнаётган экан деган таассурот қолмаслиги учун айтиб қўяй, вилоятдаги барча туманлар ўзгача қиёфа касб этган. Чамаси беш-олти йил аввал машинада бир гуруҳ санъаткорлар билан Сурхоннинг шимолий ҳудудлари сари кетаётган эдик. Йўлда бир зум чалғибман. Ўзимга келиб қарасам, бир нотаниш шаҳарнинг ёнидан ўтпмиз. Кўп қаватли уйлар, ораларида ораста йўлаклар, дарахтлар, болалар майдончалари кўз олдимдан лип-лип ўтади. Қаерга келиб қолдик? Сурхондарёнинг ҳар қарич ерини биламан. Наҳотки, туш кўраётган бўлсам? Бироз юргач англадим, бу — Денов. Ҳа, ўзим бошдан-оёқ кезиб-билиб юрганим Денов! Эй Худо! Бу шаҳар ичидаги шаҳар — мўъжиза қачон, қандай барпо бўлди? Шунча тезми? Англадим, бу мўъжиза Президентимизнинг шижоати туфайли бунёд бўлган! Сўнг тасаввур қилдим — мамлакатда қанча туман бор, қанча шаҳар бор, маҳаллалар бор... Барчасида мана шундай бунёдкорлик кетаётган бўлса керак-да! Кетяпти!

Бутун мамлакатда бундай ёппа бунёдкорликни қайси қудрат ҳаракатга келтиряп-

ти? Бу саволга жавоб аниқ: Шавкат Миромонович Мирзиёев!

— 3 —

Мен мажлисларга кам қатнашаман. Мақсад мажлис ўтказишдангина иборат бўлган йиғинлардан ўзимни тортаман. Аммо яқин кунларда икки мажлисда қатнашиб, вақт қандай ўтганлигини сезмадим. Завқланиб ўтирдим. Ўзбекистонни севадиган бир ватанпарвар сифатида фахру қувончга тўлдим. Гап Ватанимизнинг бир бўлаги бўлган Сурхондарёнинг эртаси ҳақида кетди. Президентимиз вилоятда икки минг ўттизинчи йилга қадар амалга ошириладиган режалар ҳақида сўзлади.

Мажлисда режалар ҳақида шунчаки гапирилмади, балки уни амалга ошириш учун пухта, кўламли ва аниқ тайёргарлик қўрилгани маълум бўлди. Масалан, мана бу тарзда: режа лойиҳаси тайёр, маблағ бор (банк бошлиғи тасдиқлайди ёхуд жаҳондаги қайси инвестор билан келишилганлиги айтилади), бу режани амалга оширадиган ташкилот ҳам шай турибди. Ишни қачон бошлаш санаси ҳам аввалдан аниқланган. Мутасаддилар яна бир бор мажлис аҳли олдида ахборот бердилар. Ҳар бир лойиҳада қанча иш жойи яратилиши ҳам очикланиб борилди. Юзлаб, минглаб...

Ҳар бир режа ҳақида сўз кетганда, шу тартибга риоя қилинди. Бирор-бир ишни амалга ошириш орзу сифатида айтилмади. Аксинча, қатъий ишонч билан ахборот берилди.

Бу режаларнинг бир учи хорижга бориб қадалганда эса онлайн тарзда мажлисда қатнашаётган элчиларимиз чет эллик ҳамкорларнинг ҳозир турганликларини, Ўзбекистондан имо бўлгач, шу заҳотиёқ учиб боришларини маълум қилди. Хорижлик ҳамкорлар ҳам ундай-бундай мамлакатлардан эмас — Хитойдан тортиб Жанубий Африка Республикасигача!

Шавкат Миромонович ҳеч нарсани унутмади. Президент бугун нима ишларни бажариш лозимлигини, эртага нимани амалга ошириш кераклигини ички — онг орти туйғу билан ҳис қилишини шундоқ сезиб турдим.

Каттаю кичик муаммоларнинг ечимини топишда бир хил масъулият билан ёндашишларига, баъзан бадиҳаларга ҳам гувоҳ бўлдим.

Мажлисдан аввал бойсунлик — кураш бўйича биринчи ўзбек жаҳон чемпиони Тоштемир полвон Тўрабоев билан унинг ёш курашчилар учун очилган интернат-мактаби ҳақида суҳбатлашган эдик. Мажлис сўнгроғида Президент ана шу полвонга мурожаат қилиб қолди.

— Сенинг интернатинг-

нинг биноси йўғ-а?

— Йўқ, — деди полвон.

— Болалар қаерга ўқишга боради?

— Шу атрофдаги қишлоқлардаги мактабларга.

Шавкат Миромонович кўзлари билан залдан керакли одамни излаб топди:

— Пулинг бор-а?

“Ҳа”, деб ўрнидан кўзгалди “керакли одам”.

— Шу полвоннинг интернатига мактаб қуриб бероласанми?

“Керакли одам” жон деб рози бўлди.

— Биринчи сентябргача тайёр бўлсин...

Завқланганимдан, секингина бўлса-да “во-я”, деб юбордим. Ахир Шавкат Миромоновичнинг елкасида салкам ўттиз тўққиз миллион халқнинг ташвиши! Мамлакатда, э-ҳе, қанча мактаб бор! Энди келиб-келиб Президент Тоштемир полвоннинг мактаб-интернати муаммосини эслаб ўтирсан!..Йиғинда менга ҳам сўз берилди ва мен бу мажлисда “Сурхондарёликлар учун “байрам” деб атадим. Чунки тушунишимча, Ватан деган муҳташам иморат ривож учун қўйилган ҳар гишт — байрам. Бугун эса қанчадан-қанча гиштар қўйилди!

Мен бу мажлисда айтилган — амалга ошириладиган ҳар бир режа юрт ҳазинасини қанчалар бойитиши, одамлар дастурхонига қанчалар файз-барака киритиши ҳақидаги рақамларни эслаб ўтирмайман.

Чунки улар матбуотда етарлича ёритилди.

Аммо бир қутлуғ хабарни айтмасам бўлмайди.

Йигирма олтинчи апрелда Бойсунга борадиган бўлдим.

Термиздан келадиган йўл манзилга олти-етти километр қолганда, юқоридаги мажлисда тилга олинган — бир неча йиллардан буён қурилиш давом этаётган Дарбанд — Денов трассасига қўшилади. Биз бўлажак трассага тушдик. Пишиқ қилиб ишланган бетон йўл. Физиллаб кетяпмиз. Фақат икки жойда гавараси кўтарилиб, қурилиши ниҳоясига етмаган кўприкларни айланиб ўтдик холос. Ичимда, бир-икки ойда битиб қолар, деб ўйладим.

Тўрт кундан кейин “Бойсун баҳори” байрамига қатнашиш учун шу йўлдан яна ўтишга тўғри келди. Бу сафар машинамиз тайёр бўлган кўприклар устидан физиллаб ўтиб кетди! Ҳа, тайёр бўлган кўприклар устидан! Орадан фақат тўрт кун ўтиб! Яна руҳимни қувонч сели босди! Қойил! Ва Термиздаги мажлисда айтилган барча режалар ўз муддатида бажарилишига амин бўлдим... Президентимиз йиғин сўнгидан шу тахлит режалар билан ҳар вилоятга ва Қорақалпоғистон Республикасига боришини таъкидлаб ўтди. Яна мамлакат келажагини яратиш йўлида ёппа, жадал ҳаракат! Бир зум бўшашмайдиган, эл дастурхонига барака берадиган режалар.

(Давоми 3-саҳифада).

(Боши 1-2-саҳифаларда).

Бу режаларнинг асосчиси Шавкат Миромонович ҳам бир зум тиним билмайдиган, мудом халқ манфаати учун куйиб-ёнадиган инсон! Эзгу ниятларига фаришталар омин дейди! Парвардигор раҳмат эшигини очади!

Мен яқин келажақда юртимизнинг дунёдаги энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олишига ишонаман. Бу ишончимга қўшилмайдиганлар бўлса, Жаҳон банкининг Ўзбекистоннинг ривожланиш суръати ҳақидаги рақамларига мурожаат этишсин. Банк 2026 йилда мамлакатимиз ялпи ишлаб чиқариш суръатини 7,7 фоиз этиб прогноз берапти. Хорижлик мутахассисларнинг фикрича, ўн-ўн икки йилдан кейин Ўзбекистонда ялпи ишлаб чиқариш триллион доллардан ошар экан! Триллион! Булар осмондан олинган эмас, аниқ фактлар таҳлили асосида юзага келган рақамлар! Кўз тегмасин!

Узр, хорижлик мутахассисларни ҳам хижолат этиб қўйяпмиз? Юқоридаги рақамларни ёзгандан кейин — ҳозиргина ўқиб қолдим: ўшимиз суръати уларнинг тахминидан жуда юқори — 8,7 фоиздан зиёдроқ экан!

4

Дунёнинг улғу донишмандлари инсониятни тутиб турган қадриятлар ҳақида охириқабат ягона хулосага келганлар. Инсонлар, халқлар, давлатлар ўртасидаги муносабатларга ўзи ҳам аралашиб, не-не гафоларни бошидан ўтказган Алишер Навоий бир кун мана бундай сатрларни битганлар:

Олам аҳли, билинган, иш эмас душманлиг,
Ёр ўлинг бир-бирингизга,
ки, эрур ёрлиг иш.

Бу байт маъносини барча англаб турган бўлса ҳам, майли, шарҳлаб қўяй: “Дунё одамлари, — деяпти шоир, — билиб қўйинг, душманлик яхши иш эмас. Бир-бирингиз билан дўст бўлинг, инсонга фақат дўстлик ярашади”.

Шавкат Миромонович, назаримда ҳали Президентлик лавозимига сайланмасдан олдин ҳам “душманлик иш эмас” эканлигини чуқур тушунган. Марказий Осиёдаги қондош-жондош мамлакатлар ўртасида авж олган нохушликларни юраги ачишиб кузатган. У киши бошқарган Вазирлар Маҳкамасининг вазифаси хўжалик ривожланиш бўлгани учун қўшилган билан муносабатимиз ёмонлиги туфайли ривожланиш имиллаётганини ҳам теран ҳис қилганлар. Энг муҳими, бу галвалардан одамлар ҳам азобланаётганини ўз кўзи билан кўрган.

Албатта, шундай бўлган! Шу сабабдан Шавкат Миромонович мамлакат бошқаруви жиловини ўз қўлига олган бир зум тин олмай, аввало, қўшилган билан қардошлиқ-қариндошлиқ ришталарини тиклай бошлади. Бу иш қанча оғир-енгил кечгани фақат шу эзгу ниятли одамнинг ўзига маълум. Аммо натижа қутлуг — қўшни мамлакатларга йўлимиз тушса, Ўзбекистоннинг бир фуқароси сифати-

**РИЁСИЗ СЎЗЛАР
БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ**

да биз ҳам иззат-ҳурмат кўряпмиз.

Сурхондарё вилояти учта мамлакат билан чегарадош. Шўролар даврида, масалан, Тожикистон билан Ўзбекистон ўртасида чегара бор-йўқлиги эсимизга ҳам тушмасди. Термиз ёпиқ шаҳар бўлгани учун Душанбега ҳам учиб бориб, Сурхонга ўтиб кетаверардик. Баъзилар каттароқ бозор-ўчарини Душанбега бориб қиларди... Аммо мустақилликдан кейин бир муддат ўтгач ҳамма ўзига хон, ўзига бек бўлиб олди. Чегарадан ўтиш ушалмас бир орзуга айланди!

Ҳозир тарихга айланган бош оғриқ бу кунлардан бир шингил воқеани кунга кеча хикоя қилиб беришди. Саросиёда яшайдиган бир кечса аёлнинг Регардаги сингилиси вафот этганда, жигарининг қабрини зиёрат этиш учун саккиз йил уриниб чегарадан ўтолмаган экан. Регар билан Саросиёнинг ораси, ҳа борингки, ярим соатлик йўл!

Икки мамлакат ўртасида дўстлик-биродарлик муносабатлари ўрнатилган, қариндошлар бу узоқ айрилиқдан сўнг йиғлаб-сиқтаб юз кўришди. Душанбедан шувуллаб машиналар Сурхондарёга келади, уч-тўрт сариосиёлик дўстлар “Душанбени бир айланиб келайлик”, деб йўлга чиқади бундан бўлди. Бир кадам йўл! Эрталаб бориб, кечкурун қайтиб келасан!

Тожикистоннинг тирикчилигини бизнинг мамлакатимиз тасаввур этиш қийин. Уларни бошқа худудлар, қўйингки, жаҳон билан боғловчи асосий йўллар бизнинг юртимиз орқали ўтади! Энди бундай имкониятларга эга бўлган тожик халқининг хуррамчилиги нечоғлик бўлганини тасаввур этинг!

Шу сабабдан Шавкат Миромонович бу қўшилган юртига ташриф буюрганда, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон саҳнадан туриб, ҳазил аралаш жуда зўр лутф этган эди: “Булар, — деди у зални тўлдириб ўтирган тожик халқи вакилларига ишора этиб, — сизни мендан ҳам ортиқ яхши кўради!” Мана, ҳурмат! Мана, қардошлик!

Биз Президентимизнинг бу ташрифидан сўнг бир неча пайтлар ўтгач беш-олти ёзувчи жам бўлиб, Душанбега бордик. Мақсадимиз Бойсунда туғилган дўстимиз, Тожикистон халқ ёзувчиси Саттор Турсун вафоти муносабати билан Душанбедаги яқинларига ҳамдардлик билдириш эди. Ёз кунлари. Эгнимизда жинсию майка... Аэропортда эса бизни ўн-ўн беш чоғлик — оппоқ кўйлак, қора костюмшим кийган тожик дўстларимиз кутиб олишди. Эртаси, кутилмаганда Тожикистон Ёзувчилар уюшмасида қардош адабиётларимиз алоқалари ҳақида конференция ўтказишди. Яна ҳамма ўша расмий кийимда. Кўчада эса ёз... Биродарлар, бу тарздаги мажлисининг номи иззат-икром дейдилар! Ўзбек-

ларга бўлган иззат-икром!

Бизни Сурхондарёга олиб кетгани юртимиздан оғайнилар келишди. Мен, йўлда қандай кетсак бўлади, автомобилларни ҳайдовчилар қайси тезликка ҳайдаса маъқул; ички ишлар ходимлари тўхтатса қандай муомала қилиш керак деб сўраб қолдим. Ҳар ҳолда машиналаримиз рақамлари Ўзбекистонники-да! Тожик дўстларнинг жавоби мени ҳайрон қолдирди:

— Ҳар қандай тезликда ҳайдайверинглар! Ҳеч ким тўхтатмайди! Президентимиз “Ўзбеклар менинг меҳмоним — уларга ҳеч ким тегинмасин”, деб юқори минбардан айтган!

Қалай?

Бу гаплар ўзбек халқига бўлган ҳурматнинг энг чўққиси эди.

Икки халқ ўртасидаги бу иззат-ҳурматнинг қайтиши, янада юқори даражага кўтарилиши Шавкат Миромоновичнинг жонқуярлиги, самимий — дипломатик маҳорати ва инсоний фазилатлари билан боғлиқ эди.

Яқинда атоқли ўзбек шоири Шавкат Раҳмон таваллудининг 75 йиллигини нишонлаш учун Ўш шаҳрига бир гуруҳ ижодкорлар билан йўлга чиқдик. Илгари ҳам Ўш сафарига бўлганман. Чегара машмашаларини ўйлаб, кўнглим хижил бўлиб бораётгандим. Аммо безовталиқка ўрин йўқ экан. Ўзбекистон фуқаролигига оид ҳужжатларимизни кўрсатиб, бемалол ўтиб кетавердик. Қирғизлар ҳам юртимизга шундай кириб келяпти.

Бу бемалолликни яратган, икки халқ ўртасида ишонч ва ҳақиқий дўстликни қайта барпо этган инсонларни алқадик. Ахир бу икки қўшни халқ ўртасида нималар ўтмаган эди?!

Шавкат Раҳмоннинг юбилейига бағишланган ижодий кеча ниҳоятда баланд савияда ўтди. Мажлисда Қирғизистон ҳукуматининг бош қотиби, нуфузли ТУРКСОЙ ташкилотининг раҳбари, Ўш шаҳри ҳокими қатнашди. Шавкат ўқиган мактабга ва шаҳарнинг катта кўчаларидан бирига унинг номи берилди.

Албатта, бу катта шоир бундай эҳтиромга арзийди. Шубҳа йўқ. Аммо барибир бу самимий эҳтиромнинг асоси Шавкат Миромонович эканлигини ҳам ҳар дақиқада ҳис қилиб турдик. Камина Қозогистон сафарига бўлганимда, дўстларнинг худди шундай меҳрига дуч келдим. Бир эмас, бир неча мукофотлар билан тақдирландим. Ҳатто хориж бир мамлакатнинг адабий мукофоти ҳам қозоқ дўстларимизнинг тавсияси билан менга топширилди. Агар муносабатларимиз аввалдагидай гаразли кечганда, шундай ҳол рўй берармиди?

Марказий Осиё халқлари ўртасидаги бу иттифоқчиликнинг, бағрикенгликнинг ва меҳр-муҳаббатнинг бош

меъмори Шавкат Миромонович эканлигини ҳозир барча кўриб турибди. Хорижликлар ҳам бу минтақани ривожланиш сари бошлаб борадиган куч сифатида Ўзбекистонга қарамоқда.

Мен, асосан, азалий яқин қўшилларимиз билан муносабатлар ҳақида ёздим. Ҳар кун ўзгараётган бу чигал дунёдаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларимиз ҳам айтарга арзигулик эканлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Масалан, ўзича яшашни хуш кўрадиган Афғонистон билан ҳам етарли даражада алоқалар ўрнатганмиз. Ахир бу мамлакат орқали океанларга чиқиш орзуимиз бор!.. Ҳозир шундоқ Амударёдаги кўприкдан ўтиб, ўзбек тупроғига қадам қўйилган жойда Ўзбекистон — Афғонистон чегараолди савдо зонаси бунёд этилган. Қаторқатор дўконлар, меҳмонхоналар, ошхоналар... Савдосотик авжида. Зона тўлиб-тошиб кетяпти. Президентимиз бу зонага яна қўшимча ерлар ажратиш ҳақида топшириқ берди. Албатта, бу ён қўшилларимиз ҳам Ўзбекистон раҳбари шаънига илиқ сўзлар айтганлари-айтган... Дунёда ҳақиқий обрўга эга бўлиш осон иш эмас. Бу рутбага истеъдодли, ўзини аямай меҳнат қиладиган, фаросатли, бошқаларнинг ҳам манфаатини ҳурмат этадиган; ўз мамлакатини ҳам жонидан яхши кўрадиган сиёсий арбобларгина сазовор бўлади.

Мана шундай обрўга эга бўлганлардан бири эса бизнинг Президентимиз! Ҳа, ўзимизнинг Президент!

5

Мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларнинг оқими жуда катта. Уларнинг ҳаммаси “мен ўзбекман!”, деганларни қувонтиради. Масалан, кейинги ойларидагина рўй берган қатор янгиликлар ҳали-ҳануз мени ҳайратга солиб келяпти.

Агар икки-уч йил аввал барчамизнинг жонимизга теккан шу пахтадан биров саксон-тўқсон центнердан ҳосил олинади деса, камина “қўйсанг-чи”, деб қулиши аниқ эди. Аммо худди шундай бўлди! Яна қаерда денг? Сирдарё вилоятида! Бу вилоятда талабалигимда пахта терганман. Ҳўлча йигирма центнердан ҳосил олинса, дўппи осмонга отиларди! Энди эса!.. Одам ишонмайди. ҳатто деҳқонларнинг ўзлари ҳам чаноқлари бошдан оёқ очилган пахтазорга қараб, ҳайрат билан гапиришганига гувоҳ бўлганман. Хориждан уруғлик келтирилди? Келтирилди. Аммо ўзимиз ҳам қараб турганимиз йўқ. “Порлоқ” навли ғўзамиз хорижий навлардан ортиқ бўлса ортиг-у, кам эмас! Бир жумла билан айтилганда, пахтачиликда инқилоб рўй берди!

Яна ҳайратланарли бир воқеа.Олмаликда 3-мис бойитиш фабрикаси ишга туширилди. Бу сира фабрикалар қурилиб, ишга туширилиш жараёни бутун жаҳонда ўн йилга чўзилар экан. Бизда эса тўрт йилда (ҳа, тўрт йилда!) амалга оширилди. Бу муддатга, ҳатто ўзимизнинг

энг катта мутахассислар ҳам, америкалик ҳамкор ҳам ишонқирашмаган экан. Мана шу америкалик энди бутун жаҳонни Ўзбекистоннинг бу тезкор тажрибасидан ўрганишга чақирди.

Яна бир ҳайрат. Фақат мен эмас, ҳали ўзбекларнинг неча-неча авлоди гурурландиган мўъжизанинг — Ўзбекистондаги Ислому цивилизацияси марказининг бунёд этилиши. Бу марказ ажиб дид билан қурилган қошона. Деворларида қўл билан ишланган нақшлар, бутун дунёдан йиғиб келинган — илгари ўзимиздан олиб чиқиб кетилган ноёб экспонатлар, Усмон Куръони, қадимий қўлёзмалар... Уларни намойиш этиш учун энг замонавий технологияларнинг қўлланиши...

Шавкат Миромонович бу марказнинг қурилиши ҳақида бир қизиқ тушунтириш берди: “Бу марказнинг қурилишида шошмадик. Саккиз йилда охирига етказдик...”

Бу изоҳ менга жуда ёқди. Чунки навбатдаги бир иморат эмас, санъат асари қурилаётган эди! Санъат асари яратилишига худди шундай сабр-тоқат билан ёндашилади! Президентимиз мана шу нозикликни англаган.

Хуллас, асрларга татигулик иншоот дунёга келган.

Мен интернетда бу мўъжизани томоша қилиш учун бораётган икки кишининг суҳбатини эшитдим.

— Сен, — деди уларнинг бири иморат бор бўйича кўрингач. — “Тожмаҳал”ни ҳам кўргансан. Қайси зўр?..

— Бу зўр-ов, — деди ҳамроҳи бинога бир қур назар ташлаб. Сўнг ишонч билан бир қарорга келди: — Бу зўр! Тамом вассалом! Бу зўр! Бундай яратувчанликлар ҳақида ёзаверсам, адо бўлмайди шекилли.

Бугун интернетни очдим. Мана, тилга олинган янгиликлар: Тошкент вилояти марказидан Бекободни айланилиб Янгиерга борадиган 111 километрлик янги темир йўл қурилиши, Самарқандга борадиган янги тезкор йўл, тупроқ ишлари кетаётган Тошкентдаги янги аэропортдаги асосий ишларнинг бошланиши...

Назаримда ҳайратларимнинг энди чеки бўлмайди.

Сўнгсўз ўрнида

Спорт ишқибозиман. Ишқибозлигимни биладиган Хайрулла деган журналист укам — тўқсонинчи йилларнинг охирида бўлса керак — футбол газеталаридан бирига интервью олиб қолди.

— Мана, Япония футбол жамоаси Жаҳон чемпионати финалига йўлланма олди, — деди у. — Биз қачон жаҳон чемпионатига чиқамиз?

— Энди, — дедим мен апрофимдаги воқеликларни бир зум кўз олдимга келтириб, — мамлакатимизнинг Японияга менгазоб ривожланишини кутамиз-да, укам.

Орзуимизга эришдик. Футболчиларимиз мундиаль йўлланмасини қўлга киритди. Демак... Японияга менгазоб кетяпмизми? Шунга жуда ўхшайди. Ҳар ҳолда ривожланишимиз суръати “Кунчиқар юрт”ниқидан анчагина баланд.

Ишончим комил, шундай бўлади!

Чунки Ватанимизнинг буғуни ва эртасини яратишга ватанпарвар, халқпарвар, ишбилармон ва адолатли инсон бел боғлаган!

Гиппократ қасамёди. Бу каломни эсласам алланечук ҳисларни англагандек бўламан. Чунки, шифокорлик – масъулиятли касблиги боис инсон зиммасига масъулият ва бурчни юклаши табиий.

Талабалик йиллари бу ҳақиқатни шунчаки расмиётчилик, деб ўйлардим. Энди эса... Иш фаолиятим давомида ҳаётий ҳақиқатни янада теранроқ англадим. Янада чуқурроқ ҳис қила бошладим. Фикр қилиб, хулоса чиқардим.

Масъулиятни ҳис қилиш бу виждонни поклаш, демаскидир. Ҳар гал шу ҳақда ўйласам, кўз ўнгимда устозимиз – таниқли шифокор Шарофатхон Юлдошева ва унинг фаришталари сиймоси гавдалангани.

Ўтган йиллар, ўтган кунлар, ўтган сабоқлар. Уларнинг ҳар бири эсда қолади,

ЭЛ МЕҲРИНИ ҚОЗОНГАН АЁЛ

ҳар бири мазмунли, ҳар бири қадрли. Бирон-бир сабаб ишда ушланиб қолса, поликлиникадаги кардиолог қабули ёрлиги битилган қабулхона олдида тирбандлик сезилади. Келувчилар Шарофат опани ўз нажот фаришталари сифатида малҳам истаб келишади. Маслаҳат ва тавсияларига умид қилишади. Бу ҳақ гап. Ҳаётий исбот.

— Ширин сўз – жон малҳами, — деган пурмаъно сўз айти шифокорларга айтилгандек, — дейди Қумқўрғон туман кўп тармоқли катталар поликлиникаси бош шифокори Абдумалик Исмоилов. — ҳамкасбимиз Шарофатхон Юлдошева ҳам ўз ўрни ва ўз сўзига эга инсон. Кўпчиликнинг хурматини қозонгани ҳақиқат. Нафақат туман балки, вилоятимизнинг турли ҳудудларидан уни йўқлаб ке-



лишади.

Маълумки, юрак-қон томир касаллиги кейинги пайтда афсуски, анча “ёшарди”. Бу эса соҳа мутахассисларидан янада талабчан ва янада хушёр бўлишни тақозо қилмоқда. Кўп йиллик тажрибага эга – аниқроғи ўзининг 52 йиллик самарали фаолияти давомида опамиз юзлаб кўнгилларга шодлик улашгани ҳақиқат. Минглаб инсонлардан раҳмат эшитгани табиий.

— Нуронийлар фахримиз, — давом этади Қумқўрғон ту-

ман “Нуроний” жамфармаси бўлими раиси Боймурод Абдимўминов. — Кексаларнинг ўғитлари ва ҳаётий тажрибалари биз учун ҳаёт мактабидир. Улардан

ўрناق олишимиз лозим. Шарофат Юлдошевнинг ҳаёт йўллари ҳам ҳавас қилгулик. Кайвони онахонимиз “Буви-жонлар мактаби”нинг фаол аъзоси. Муаммо ва масалалар ечимида яқин кўмакчимиз. Ибрат ва ўрناق олсак арзийди.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтмоқчиман. Мазкур сулола Қумқўрғон туманидаги намунали оилалардан ҳисобланади. Хонадон соҳиб ва соҳибаларини юртдошларимиз ҳурмат билан тилга олади. Ва бунга арзийди

Устоз ҳақида сўз

улар.

Оила бошлиғи Раҳимжон Юлдошев қўли гул уста. Эл таниган нуроний. Замондошларимизнинг қорига яраётган кайвони. Ўғил-қизлар, неварачеваралар ардоғидаги пиру бадавлат кексаларга маҳалладошлар ҳавас кўзи билан қарайди. Зеро, шоир айтганидек: — Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл!

Ўнлаб шогирдларнинг устози Шарофатхон опамиз ҳам аслида ана шундай муқаддас ва мўтабар аёллар тоифасидандир. Фарзандлар, набиралар ва ҳамкасблар учун доим соғ-саломат бўлинг, деймиз.

Кумушой КЎЗИЕВА,
Қумқўрғон туман кўп тармоқли катталар поликлиникаси ҳамшираси.

БЕБАҲО НЕЪМАТНИ БОРИДА АСРАЙЛИК!

шунда сув танқислиги, қурғоқчилик, чўлланиш ва бошқа хавф-хатарларнинг олди олинади

Сув – ҳаёт демаскидир. Тириклик рамзи бебаҳо неъмат ва бе-назир туҳфа ҳисобланади. Оби-ҳаёт бор жой гуллаб-яшнайдди, тўкинлик ва фаровонлик бўлиши табиий.

Шу боис ота-боболаримиз сувни эъзозлаб, исроф бўлишига йўл қўймаган.

Таассуфки, сўнги йилларда бу борада муаммолар кўпайди. Ло-Қайд ва бепарволикка берилганлар йўқ эмас орамизда. Бу эса талай кўнгилсизликларни келтириб чиқаргани аччиқ ҳақиқат.

Хўш, масалага ечим топиш учун нималарга эътибор бериш керак. Ҳақдан йўл тутсак, кўзланган мақсадга эришилади.

Маълумки, тоза ичимлик суви бундан 3 миллиард йил олдин пайдо бўлган. Ер юзининг қарийб 10 фоизи муз ва айсберглар билан қопланган бўлишига қарамай, оби-ҳаётга бўлган талаб ва эҳтиёж тобора ошиб бормоқда.

Мутахассислар томонидан инсон танасининг 70 фоизини сув ташкил қилиши аниқланган. Ҳар бир киши умри давомида ўртача 20-22 тонна овқат ва 33 минг литр турли суюқлик истеъмол қилиши миллиарддан ортиқ аҳолининг ҳар бири 80-90 минг литр сувни беҳуда исроф қилишини инобатга оладиган бўлсак, ҳосил бўлган рақам олдида киши чуқур ўйга толиб қолади.

Манбаларда таъкидланишича, дунёда ҳар ўнинчи одам ичимлик сувига муҳтож. Ер юзидаги умумий оби-ҳаёт миқдори 1,35-1,4 миллиард куб. км.ни ташкил қилса, унинг 96,5

фоизи шўр сувдир. Ўзбекистон ҳам ичимлик суви муаммоси мавжуд бўлган 20 га яқин давлатнинг бири ҳисобланади. Шундай экан, бу бебаҳо неъматни қадрига етайлик...

Ўтган аср поёнида олимлар томонидан тропосфера иқлими 0,7 даражага кўтарилгани аниқланган. Сўнги ўн йилликда Ўрта Шарқ ва Мисрда мисли кўрилмаган жазирама кузатилди. Россия, АҚШ, Франция, Жанубий Америка ва Африка ҳам бундан мустасно эмас.

Яқунланган юз йилликнинг поёнида музларнинг умумий майдонини 6 минг квадрат километрни ташкил этган бўлса, 2000 йилдаги кузатувлардан сўнг унинг тенг ярми камайгани исботланган. Бугунги кунда эса захираларнинг янада қисқаргани табиий. Натижада океанларнинг суви 6 метргача кўтарилди. Бу эса дунёнинг турли нуқталарида кўплаб фалокатларни келтириб чиқарганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Сўнги йилларда иқлим ўзгарди. Ёгин-сочин кунлар кам. Чўққилардаги музлар эрта эриятти. Ер ости сувлари узоқлашган. Булоқ ва чашмаларнинг аксарияти қуриди. Боғ ва далаларни суғориш билан бир қаторда, томорқачилиқдан фойдаланишда ҳам муаммолар юзага келаётгани кўпчиликни ташвишга солаётгани табиий.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳудуддан оқиб ўтувчи “Ҳазарбоғ” каналида қурилиш таъмирлаш ишлари ба-жарилди. Қирғоқлар 3-5 метрга кўтарилиб, сув сифими 3-4 баробарга ортди. Бу нафақат Денос, Олтинсой, Шўрчи,

Долзарб мавзу

Қумқўрғон туманлари аҳолиси, балки Шеробод, Музработ, Бандихон, Ангор ва бошқа ҳудудларда яшовчи юртдошларимизнинг ҳам кўнглидаги иш бўлди.

“Бирники — минга, мингники — туманга”, дейди доно халқимиз. Шундай экан, сувни авайлаб-асрашни ҳар биримиз ўзимиздан бошлайлик. Оби-ҳаёт масаласи нафақат миллий ва минтақавий, шу билан бир қаторда глобал муаммога айланиб бораётганини доим ёдда тутишимиз керак.

Бир томчи сувда 18 минг олам мужассамдир. Уни тирик организмга қиёслаш мумкин. Аммо муҳим масалага лоқайд қарайдиганлар бор орамизда. Бефарқликка берилганлар афсуски, учраб турибди. Долзарб масала ечимини доим диққатмарказимизда бўлиши лозим. Шундагина она-табиат биздан ўз саховатини аямайди.

Сув танқислиги жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган глобал муаммога айланган. Бу Ўзбекистонда ҳам оби-ҳаётдан оқилона фойдаланиш, замонавий технологияларни ҳаётга кенг татиб қилиш ва “яшил” иқтисодиётга ўтишни тақозо қилмоқда. Ана шундай устувор мақсадларга эришсак, жонажон диёримиз барқарор ривожланиб, халқимизнинг турмуш фаровонлиги янада яхшиланади.

Баходир ЭШҚУВВАТОВ,
Ўзбекистон Экология партияси Денос туман Кенгаши раиси.

Бугунги глобаллашув шароитида ҳар бир халқ ўзининг тарихий илдизлари, миллий руҳи ва маънавий бойлигини асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки миллий қадриятлар — бу фақат ўтмишдан қолган мерос эмас, балки бугуннинг таянчи ва эртанги куннинг мустаҳкам пойдеворидир. Миллий қадриятлар инсонни инсон қиладиган, жамиятни жамият даражасига олиб чиқадиган муҳим омиллардан биридир.

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР — МИЛЛАТ ЮРАГИ ВА КЕЛАЖАГИ

Ўзбек халқининг бой ва бетакор қадриятлари асрлар давомида шаклланиб, сайқаллашиб келган. Меҳмондўстлик, бағрикенглик, катталарга ҳурмат, ки-

оқбатнинг кучайиши, яхшилик ва эзгулик гоёларининг тараннуми сифатида муҳим ўрин тутди.

Глобаллашув даврида турли маданиятлар

ёсдир. Улар нафақат билим берувчи, балки маънавий йўл кўрсатувчи сифатида ҳам катта масъулиятни зиммасига олади.

Миллий қадриятларни фақат сақлаб қолиш етарли эмас, уларни замон талабларига мос равишда ривожлантириш ҳам зарур. Масалан, қадимий хунармандчилик анъаналарини замонавий дизайн билан уйғунлаштириш, миллий либосларни кундалик ҳаётга мослаштириш, урф-одатларни ортиқча дабдабадан холи ҳолда давом эттириш — булар қадриятларимизни янада бойитади. Шу тариқа миллийлик ва замонавийлик уйғунлашган ҳолда жамият тараққиётига хизмат қилади.

Бугун ҳар биримиз миллий қадриятларимизни асраш йўлида ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим. Бу — оддийгина одобли бўлиш, катталарга ҳурмат кўрсатиш, она тилимизни эъзозлаш, миллий байрамларни қадрлашдан бошланади. Ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро шу масъулиятни ҳис этиб яшаса, миллий қадриятларимиз янада мустаҳкамланади.

Мавлуда РАҲМОНОВА,
Денос тадбиркорлик ва педагогика институти Бунёдчи таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси.



чикларга меҳр кўрсатиш, меҳр-оқибат, ҳалоллик, ор-номус каби фазилатлар халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Айниқса, оила институтининг мустаҳкамлиги, ота-онага эҳтиром, фарзанд тарбиясига жиддий ёндашув миллий қадриятларимизнинг асосий устунларидан саналади. Ҳар бир ўзбек хонадонидан аввало тарбия, одоб-ахлоқ, ҳурмат тушунчалари устувор аҳамият касб этади.

Миллий қадриятларимизнинг ёрқин ифодаси сифатида халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини алоҳида таъкидлаш жоиз. Наврўз, ҳайит байрамлари, тўй маросимлари, меҳмондорчилик анъаналари — буларнинг барчаси халқимизнинг ўзига хос маънавий қиёфасини намоён этади. Айниқса, Наврўз байрами нафақат табиатнинг янгилини, балки инсон қалбининг поклиниши, меҳр-

ўзаро таъсирга киришмоқда. Бу жараён, бир томондан, янги имкониятлар эшигини очса, иккинчи томондан, миллий ўзликни йўқотиш хавфини ҳам юзага келтиради. Шу сабабли миллий қадриятларни асраб-авайлаш, уларни ёш авлод онгига сингдириш долзарб масалага айланмоқда. Интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали кириб келаётган турли гоёлар фонида ўз қадриятларимизни мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ёшлар — жамиятнинг эртанги куни. Уларнинг қалбида миллий гурур, Ватанга муҳаббат, аждодларга ҳурмат туйғуларини шакллантириш бугунги куннинг устувор вазифаларидандир. Таълим муассасалари, оила ва маҳалла ҳамкорлигида ёшларни миллий руҳда тарбиялаш орқали соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мумкин. Бу борада устозларнинг ўрни беқи-

СЎНГГИ ҚЎНФИРОҚ

Она каби, қўлимдан тутиб,
Илм сари, етаклар мактаб.
Бугун сени, ушбу айёмда,
Қутлайман чин дилдан мактаб.

Мактаб билим маскани,
Илмгоҳда ўқиб улғаяр инсон.
Инсон учун ҳар-онда учрар нуқсон,
Устозлардан илму, сабоқ олингиз.

Шу азиз ва улуг Ватанда,
Касбли, инсон бўлиб қолингиз.
Бўлингиз шифокор, муҳандису, муаллим,
Оламдан ҳам олинг аъло таълим.

Қўнғироқ садоси, самога кетди,
Шўх-шодон мактаб даври, ниҳоясига етди.
Ҳаёт мактабидан ҳам олиб таълим,
Ушбу шеърни ёзди Шухрат муаллим.



Шухрат ЛОЛАЕВ,
Жарқўрғон тумани “Хўжақишлоқ” маҳалласи.

Ёднома

ФАЛАКДАГИ ЗУҲРА ЮЛДУЗ

Минг тўққиз юз ўн еттинчи йил...
Илк баҳорнинг субҳидамида.
Дунё юзин кўрди бир қизча,
Уста Исроил хонадонида.

Ота-онаси суюниб уйда,
Зулфия, деб исм қўйди унга.
Қиёслашди мурғак гўдакни,
Фалакдаги Зуҳро юлдузга.

Ўтди қувноқ болалик чоғи,
Дигрезнинг чанг кўчаларида.
Битди қатор битикларни,
Тўлин ойнанинг кечаларида.

Навбаҳорнинг нафис онлари,
Юракларга берибди илҳом.
Ёш Ҳамиднинг севги изҳори,
Қалбингизга ўтибди шу дам.

“Саодат”га тўплаб ижодкорларни,
Учирдингиз қалдирғоч мисол.
Ижод бўстонида бўлиб машъал,
Назм бобига қўйдингиз тамал.

Хижрон фиғонин татиб ҳаётда,
Олимжон руҳида яшадингиз сиз.
Ёлғиз тунларни ўтказиб бедор,
Жуфтингизга бўлибсиз садоқатли ёр.

Сиз Шарқда шоира, меҳрибон она,
Қалбларда яшайсиз асрлар оша.
Баҳорни қаршилаб сизни ёд этар,
Гулдаста кўтариб, Зулфия қизлар.



Чори САИД,
Узун тумани, “Янгиобод” маҳалласи.

Эт эл мену сен, қардошим—тирноқ эл,
Камтарликда ичим — айна тупроқ эл.
Икки тилда сўзлашган иттифоқ эл,
Навоийда шон-шухратли изингман,
Жомий ҳаққи, айланайин ўзингдан!

Азалий бир халқмиз — самимиятда,
Ҳапқириб қалблар муштарак ниятда,
Дўстлик — ишонч, юксак масъулиятда,
Узуксан, эй мисли қуёш, кўзингман,
Ойдаи балқиб, айланайин ўзингдан!

Дилдош бу — икки юртбоши кўп доно,
Аъло ҳазратлар нутқи гиж-гиж маъно,
Ҳасанот, қадамларига салламно,
Ишқомсан, эй ўзим сархил узумман,

ТОЖИК ҚАРДОШИМГА ДИЛ ИЗҲОР

Мағзин чақиб, айланайин ўзингдан!

Сенда тожу менда туғма беклик нақд,
Тинч-хотиржамликда дўстим, пойдор аҳд,
Дунёларни лол қолдирган жидду жаҳд,
Дардларингизда дарддан оғир қисмман,
На-да рақиб, айланайин ўзингдан!

Сийлайи раҳмли ҳар дил биз, ахир,
Урф-одат бир — тарихи мутафаккир,
Мезбон ҳам меҳмонимсан олий қадр,
Боравериб манзилингиздан узилмам,
Дийдор насиб, айланайин ўзингдан!



Таклиф-ташрифлардан икки томон шод,
Тонгларда баралла ўқилган бомдод,
Сарҳадларда қайта жонланди ҳаёт,
Фурсат этиб мева солган тўзимман,
Содиқ ҳабиб, айланайин ўзингдан!

Яхши кўшничилиқда — бор саодат,
Кўнгил туйган ҳузурда бахту омад,
Қўлларим қўлингизда токи қиёмат,
Омон бўл, сенингиз дардманд жисмман,
Ёлғиз табиб, айланайин ўзингдан!

Суннатullo РАҲМОН ижоди.

Қўлларимдан тутинг, яхшилар

Қўлларимдан тутинг, яхшилар,
Бугун имкон борида келинг!
Сизни Аллоҳ васли қаршилар,
Парвозларим ёнида юринг.

Тақдир битган мактуб — бу дардим,
Мен ҳам ахир азиз бир жонман.
Келар сиздай чопгим, ўйнагим,
Афсус, қадам ташлашга зорман.

Тўккан ёшим кўрар тунда ой,
Онамга ўй чақноқ кўзларим.
Тушларимда рўёб тутар чой,
Табассуми синиқ юзларим.

Қалбни буткул янчар адоват,
Мазлум дилга меҳрингиз эҳсон.
Сизда бўлса виждон саломат,
Демакки, бор фирдавсга имкон.

Қаранг, бу кун ярим дилим шод,
Сизга фақат тилаймиз бахтлар.
Ҳумо бўлсак ва ёзсак қанот,
Сизга шодлик бўлади тахтлар.

Тасаввур ҳам этолмайсиз, йўқ,
Юрагимда ҳоким қувонччи.
Сиздай яхшилардан кўнглим тўқ,
Қадамларим Сизга ишондим.

Бир чеккада қимтиниб, ўқиб,
Қилган нолам — келганларингиз.
Бир ногирон дилни шод этиб,
Жаннат бўлсин — олганларингиз.

ОНА, МЕНДАН УЯЛМАНГ

Борим шу, нима қилай,
Дардим кўп, кимга айтай?!

Гап-сўзга таслим бўлмай,
Она, мендан уялманг?!

Боргим бор тўй-базмга,
Кўнгил ёрдим назмга.
Сўзим йўйманг ҳазилга,
Она, мендан уялманг!



Топаман-да ўз йўлим,
Баъзан оғриблар дилим.
Суйинг-да, атиргулим —
Она, мендан уялманг!

Аравача — дард-алам,
Кўраманми, йўқ байрам?!

Дардманд бўлсак, не гуноҳ,
Бошимга бўлинг паноҳ.
Асрар ягона Аллоҳ,
Она, мендан уялманг!

Мафтунa МИНГБОЕВА,
Денов тадбиркорлик ва педагогика
институтини Педагогика факультетини
Ахборот ресурс марказини ходими,
“Дил завқини ижоднинг
кошонасидир”
ижодий тўғарак аъзоси.



ҚИЗЛАР

Қандай либос кийсангиз ҳам ярашар,
Хуснингиз кўнглига газал улашар.
Кўйлаганимда булбуллар бўлмай лол,
Қизлар, сизга боққан кўзлар қамашар!

Таърифлашга ахир сўзларим ожиз,
Қаламга эрк бердим тўлдириб огиз.
Кўёшдай нур ёғиб юзларингиздан,
Ошиқлар юрагини этмасинми жиз?

Сўхбати оромжон ҳар бирингиз,
Толе билан қалин дўст тақдирингиз.
Сизга олам-олам тилагайман бахт,
Вақти билан бир гўзал тадбирингиз.

Фурқат АШУР,
Денов тадбиркорлик ва педагогика
институтини Педагогика факультетини
Бошланғич таълим йўналишини
1-босқич талабаси.

УСТОЗИМГА

Сизда матонат бор, Сизда куч-ғайрат,
Сизда адолат бор ҳамда орият.
Сиз берган билимлар бизга келажак,
Нурли юзларингиз офтоб устозим,
Мен сизга ўхшагим келар устозим.

Илм улашишдан ҳеч ҳам толмаган,
Ҳеч дарсларидан кечга қолмаган.
Сўйласа ростлигу ҳақдан сўйлаган,
Сиз бизга энг яхши ўрнак устозим,
Мен сизга ўхшагим келар устозим.

Чехраси гул гўзал устозим,
Хулқ-у хислатимиз сезар устозим.
Илми маърифатни безар устозим,
Фарзандларим бўлсин сизга ўхшаган,
Мен сизга ўхшагим келар устозим.



Муборак ҚУЛМОҲОВА,
Денов тадбиркорлик ва педагогика
институтини Педагогика таълим
йўналишини 2-босқич талабаси.

АЖРАЛМАС ДЎСТЛАР

Ўртоқлар бор йилларда,
Бирин кетин келишар.
Навбати келиш учун,
Уч ойлаб ҳам кутишар.

Бири жуда совуққон,
Яна бири меҳрибон.
Бири ҳақиқий пашқол,
Яна бири иссиқ қон.

Нима бўлса бўлади,
Лек барибир тортишмас.
Мавсуми келган дўстни,
Қадага қилиб кутмас.

Барибир бундай дўстлар,
Ҳеч қаерда учрамас.
Тўрталаси тўрт феълда,
Бир бирига ўшамас.

Келинг энди дўстларни,
Таништириб ўтамиз.
Исми чиққанларини,
Таърифлаб ҳам берамиз.

Энг каттаси қиш фасли,
Қаҳри қаттиқ совуққон.
Оппоқ қилар ҳар ерни,
Қолган дўстларга сардор.

Кейингиси Баҳор эй,
Гуллар очар яйловдан.

Асал таъмли сумалак,
Тайёрланар ҳар уйдан.

Эндиги дўстнинг исми,
Саратоннинг бошлиғи.
Иссиқликда тенги йўқ,
Кўёш дўсти ёз фасли.

Энг сўнггиси Куз фасли,
Йиғим терим мавсуми.
Дарахлар барглари тўкиб,
Ерни барглари кўмар.



Хуллас калом бу дўстлар,
Жуда яқин жигарлар.
Тўрталаси тўрт феълда,
Тўрт баҳодир, тўрт жонлар.

Асилбек АҲМАДОВ,
Денов туманидаги
9-умумий ўрта таълим
мактабининг
7-Б синф ўқувчиси.



ЭЛ ЭЪЗОЗИДАГИ МУАЛЛИМ

Кумкўрғонлик устоз-педагог Равшан Худойкуловнинг сурати ва сийратига чизгилар

ги кун ва келажак йўғрилган унда. Шундай ҳаёт мезонлари муаллимимизнинг шукроналиги билан янада нурли бўлмоқда. Ўзига хос ёғду мисоли нур таратаётгани шубҳасиз.

Устоз билан гурунг қилиш гаштли. Сухбатлашиш жуда мароқли. Кам гапириб, кўп тинглашни хуш кўради у киши. Умр йўллари ҳавас қилгулик ҳаётдан ўрناق олса арзийди. Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили муносабати билан кўпқиррали инсон хонадонига ташриф буюрдик. Бир пиёла чой баҳона замондошимизнинг мушоҳадаларидан яна бир бор бахраманд бўлдик.

— Қарийб ярим аср — 45 йилдан ортик таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилдим, — дейди устоз Равшан Худойкулов. — Тўғриси айтсам, ўтмишда ишлаш анча қийин бўлган. Ўзига яраша машаққат ва мураккабликлари бор эди даврининг.

Хуллас, 1972 йил Қарши давлат педагогика олийгоҳини тугатгандан кейин Кумкўрғон туманидаги 34-умумтаълим мактабиде иш бошладим. Жонажон даргоҳга йўлланма билан келгандим ўшанда. Муассасада 15 йилдан ортик ишладим. Бу мен учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлгани рост. Тажрибали устозлардан кўп нарсаларни ўрганганман.

Меҳнат қилган элда азиз,

дейди доно халқимиз. Қаҳрамонимиз ташаббускорлиги билан масъуллар эътиборига тушади. Кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлиб, обрў эътибор қозонади. Шунинг учун ҳам 33-умумтаълим мактабига директорликка тавсия қилинган.

Ўтмишда таълим даргоҳи ниҳоятда абгор ҳолда бўлганини маҳалладошлар яхши эслайди. Ўқув жараёнлари икки сменада ташкил қилинган устозлар билан бир қаторда ота-оналарга ҳам қийинчилик туғдиргани табиий.

— Изланиб интилган киши, албатта мақсадига эришаркан, — сухбатни давом эттиради хонадон соҳиби Равшан Худойкулов. — Фикр-мулоҳаза қилиб кўргандан кейин янги мактаб қуриш кераклигига ишонч ҳосил қилдим. Жамоа қўллаб-қувватлаган бўлса, ота-оналар олқишлади. Кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Қисқа давр — икки йилда замонавий ва кўркем мактабни фойдаланишга топширдик.

Таълим-тарбияда шароит муҳим ўрин тутуши табиий. Муҳташам мажмуада сабоқ олган давомчиларимиз мактаб шаънини муносиб ҳимоя қила бошлади. Кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида голиб ҳамда совриндорлар сафида бўлганмиз. Жамоа доим ҳурмат билан тил-

га олинган.

Ҳаётнинг ўзига хос қувонч ва ташвишлари бор. Машаққат ва муаммолар учраши табиий. Уларни енгиб ўтган инсон албатта, кўзлаган мақсадига эришади. Узоқ йиллик тажрибага эга Равшан Худойкуловнинг заҳматли меҳнати зое кетгани йўқ. Кўп йиллик тажрибага эга педагог Халқ таълими аълочилиги хисобланади. “Меҳнат фахрийси” нишони соҳиби бўлгани қувонарли. Бундан ташқари, мустақиллик йилларида бир неча бор юбилей кўкрак нишонларига лойиқ кўрилгани эса янада фахрланарли.

— Янги замон шарофати билан ўзлимизга эришдик, — давом этади Равшан муаллим гурун ва ифтихор билан. — Қадрият ва аъналаримиз тикланди. Шунга монанд диний эркинликка кенг йўл очилди. Умра ва ҳаж амалларини адо этаётган юртдошларимиз сони кўпаяётгани бунинг ёрқин исботидир. Шулар қатори мен ҳам 2019 йилда ҳаж амалларини бажарганимдан ниҳоятда хурсандман. Илоҳим юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Устоз билан учрашганда ҳаргал шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг “Хотира уйғонса гўзал” асаридан сўз очади. Китобдаги пурмаъно ҳикматларни такрорлашни хуш кўради. Айниқса, “Ўғил-қиз тарбиялайдиган одам авва-

ло, ўзи тарбияланган бўлмоғи керак”, деган ақидага қатъий амал қилади...

Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси ота-она учун муҳим вазифа хисобланади. Шу билан бир қаторда бурч ҳамдир. Замондошимиз бунга қатъий риоя қилаётгани қувонарли. Миллат келажиги бўлган давомчиларнинг шу юртга муносиб инсонлар бўлиб вояга етгани таҳсинга сазовор. Бунда турмуш ўртоғи — Фозна онанинг алоҳида ҳиссаси бор, албатта. Тўрт ўғил ва тўрт қиз олий маълумотли. Қумушхон — шифокор, Қундузхон, Ҳаётхон, Юлдузхон — ўқитувчи, Шаҳризод — ҳисобчи бўлса, Низомиддин — ички ишлар ходими. (Нафақадаги майор). Азамат ҳамда Чори сув ҳўжалиги тизимида меҳнат қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда эса аждодлар аънасини авлодлар давом эттирмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг куйидаги мисралари ёдимга тушди:

Ўтгуси оқу-қора рўзу шаби,
Умр — бир дарс бир синовлар мактаби...

Аслида ҳаёт — сабоқдир. Ўғит ва ҳикмат мужассам унда. Фахрий педагог, намунали хонадон соҳиби, ўрناق бўларли ота, меҳрибон бобо Равшан Худойкулов тимсолида ана шундай нурафшонликни кўрдик. Сурати-ю сийратига бунёдкорлик ва яратувчанлик уфурганини англадик. Бу эса бугунги авлод — истиқол дилбандлари учун ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлиши муқаррар.

Салим
МАРДОНАҚУЛОВ,
журналист.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Мустақиллик йилларида мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи давлат ташкилотлари тизими шаклланди.

Бу тизимда аънавий судлов ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан иборат бўлган судлов органлари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва нодавлат ташкилотларидан иборат бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича носудлов органлари ҳам шаклланди. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади. “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади, қонунларнинг, давлат органлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди”

(Ушбу энг муҳим халқаро-ҳуқуқий принцип Конституциянинг ҳуқуқ ва эркинликлар тўғрисидаги қоидалари ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солувчи таъсир кўрсатишни англатади. Бунда қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқ ва эркинлик-

ларни аниқлаштириш, уларни самарали амалга ошириш қоидалари, механизмлари ва тартибларини белгилаш мақсадида қабул қилинганлигидан қатъи назар, ҳуқуқ ва эркинликлар бевосита амал қилади деб тан олинади.)

давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўллангани аниқ ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак; инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Конституцияда биринчи марта куйидагилар мустаҳкамланди:

“Ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга эканлиги ва ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас”; “инсоннинг ҳуқуқ ва

эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган до-



ирада чекланиши мумкин”;

Конституцияда ҳеч қандай ҳолатларда “Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмас”лиги белгиланди.

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқи эканлигидан келиб чиқиб, Конституцияда “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси тақиқланади”, деб аниқ белгиланди.

Абдулатиф
АТАМУРОТОВ,
Узун туманидаги 28-мактабининг ҳуқуқ фани ўқитувчиси.

КАСБ-ҲУНАР ЁШЛАРИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Яхши касб-хунар эгаси бўлиш, инсоннинг энг катта зийнати бўлиб, бутун ҳаёти давомида уни юксак мавқе, катта-катта фойда соҳиби булиш сари элтади.

Хунар туфайли у фароғатга, камолотга етади, иззат-икром топади. Биламизки, меҳнат тарбияси масаласи ҳар доим маърифатпарварлар ижодида ҳаммиша фахрли ўрин тутиб келган. Улар ёшларни жамият манфаати учун ишлашга чақириб билан бирга устозлар ва ота-оналарнинг бу соҳадаги вазифалари нималардан иборат эканлигини ҳам кўрсатганлар.

Умуман, маърифатпарвар зиёлилар турли асарларида ёшлардаги кизиқувчанлик, тежамкорлик, дўстлик ва одампойлик каби олижаноб ахлоқ-одоб, юксак фазилатлар меҳнат орқали вужудга келишини гоё таъсирчан шаклда ифода қилганлар. Шунингдек, ёш авлодни касб-хунар ўрганишга, ҳар кимни ўзининг қизиққан ҳамда ўзига муносиб фаолият билан шуғулланишга даъват этганлар.

Фарзандларни илмли, хунарли қилиб вояга етказиш айни мил-



латимизга хос аънавий тарбиянинг бу соҳадаги вазифалари нималардан иборат эканлигини ҳам кўрсатганлар. Умуман, маърифатпарвар зиёлилар турли асарларида ёшлардаги кизиқувчанлик, тежамкорлик, дўстлик ва одампойлик каби олижаноб ахлоқ-одоб, юксак фазилатлар меҳнат орқали вужудга келишини гоё таъсирчан шаклда ифода қилганлар. Шунингдек, ёш авлодни касб-хунар ўрганишга, ҳар кимни ўзининг қизиққан ҳамда ўзига муносиб фаолият билан шуғулланишга даъват этганлар.

Шунинг учун ҳам урфда ҳар бир ота-она ўз ўғли ёки қизини хунар ўрганиш, илм олиш учун устозга “эти сизга, суяги бизга” деган рамзий сўзлар билан топширган.

Истиқлол давридан ҳозирги кунгача ҳукуматимиз фарзандларимизга бежирим касб-хунар барпо қилиб берди. Уларда барча имкониятлар яратилди. Шу билан ўқувчилар-

нинг касб-хунарга мойиллиги, лаёқатлари, билим ва кўникмаларини ривожлантириш, танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаси бўлиш имкониятини вужудга келтирди. Бу маънода яққа усталар — устозлар ёшларга етказиши қийин бўлган билим доираси тизимли таълим йўлга қўйилган даргоҳларда энг замонавий воситалар ёрдамида олинадиган бўлди. Ушбу билим юртларида касб-хунар билан бир қаторда ахлоқ-одоб нормаларидан ҳам дарс берилиши эътиборга моликдир.

Фазлиддин
ОДИНАБОБОВ,
Денов тадбиркорлик ва педагогика институтининг Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси.

Ҳозирги даврнинг ёшлари ўзига хос бўлган “тушунчалар уруши” ша-роитида, уларнинг кес-кин тус олган вақтида яшамокдалар.

Фарбдан кириб келган, ҳақиқий маданиятга умуман алоқаси бўлмаган, “Оммавий маданият” аталмиш, бу ажнабий ҳолат барчани бир тус-га, бир қолипга, бир хил кўринишга, бир хил фикр-лашга, бир хил турмуш тар-зига одатлантиришга, урф-одатларимиздан, менталите-тимиздан юз ўгиртиришга чиранмокда, ота-боболари-миз “қора” деган нарсалар-ни “оқ” ва “оқ” деган нарсалар-ини “қора” деб уқтиришга ҳаракат қилмокда.

Бу “оммавий маданият” деганларининг луғатига, яъни ушбу “маданият” тарғ-

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” НИМА ЎЗИ?



иб ва талқин қилаётган сўзларнинг мазмун-моҳияти-га бир назар ташласак ҳам-маси аён бўлади. Масалан: Исрофгарчилик – бойлик, тўкин-сочинлик, ҳашамат, дабдаба белгиси; Ёшлик – тез ўтиб кетади-

ган, лаззатланиб, роҳатланиб, ўйнаб, кулиб, кайф-сафо, айш-ишрат, маишат, ҳар хил бебошлик-лар, бемаънигар-чиликлар, номақ-булчиликлар қилиб қоладиган ва қилиниши ке-рак бўлган вақт; Вафо, садоқат-феодаллар тузу-мидан қолган, умуман қизиғи, кераги, фойда-си йўқ эскилик сарқитлари; ҳаё, ибо – маданиятсиз-лик, маънавиятсизлик ва ке-раги йўқ бир мавҳум тушун-чалар; Инсоф қилиш – имконият-

ни, фурсатни бой бериш, чув-тушиб, гафлатда қолиш; Саховат – маблағни, кўр-кутни, яъни гамлаб қўйилган бойликни, сармойани ҳеч қан-дай мақсадсиз совуриш; Яхши ота – бола кўлига катта миқдордаги пулни бе-риб қўйиб, барча хоҳиш-ис-такларини рўёбга чиқаради-ган, улкан имкониятлар яра-тиб берган яхши шерик; Ёмон ота – боласига пул эмас, аксинча, таълим-тар-бия, билим, одоб-ахлоқ, ма-лака эгаллашга, кўникма ҳосил қилишга кўмаклашув-чи, тергаб турувчи, кези кел-ганда жазоловчи ёмон ше-рик; Оила – шахсга хоҳлаган ишини қилишга тўсқинлик

қилувчи, бемаъни, кераксиз мажбуриятларни юкловчи, кўнгилхушликларини, кайф-сафосини эркинлигини бўғувчи, беш кунлик дунёда яйраб, ўйнаб қолиш керак, деган ақидага ғов бўлувчи исканжа, занжир;

“Оммавий маданият” ўзи нима?” деган саволга, бу ҳамма учун бир хил кўриниш-даги, бир хил қолипдаги, ўзини, ўзлигини йўқотиш эва-зига эришилган бир ҳолат-дир, дейиш мумкин.

А.ЧАРИЕВ,
Сурхондарё Вилоят
прокуратураси
бўлим бошлиғи,
Ш.УМАРХОНОВ,
А.НАБИЕВ,
Вилоят прокуратураси
бўлим прокурорлари.

ИСТЕЪМОЛЧИ МУРОЖААТИ ЮЗАСИДАН ЎРГАНИШ ЎТКАЗИЛДИ

Денов туман Ис-теъ молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига 2026.06.05.куни му-рожаат келиб тушди.

Денов туман “Наму-на” маҳалласида яшов-чи М.М. Денов шаҳар Ҳабиб бозор ёнида жойлашган “ВОЛНЭЛ ТЕХНАХОУС” дўконидан 16-апрель куни 32 ўлчамдаги телевизор харид қилган ва уйига олиб бориб, улаб кўрган-нида сифатсиз чиққан ва ўша куни дўконга қайтариб ташлаб кетган аммо ҳозирги кунгача 1 320 000 сўм пулини



қайтариб бермаганли-гини билдириб, му-рожаат қолдирган. Ушбу муурожаат юза-сидан Денов туман Ис-теъ молчилар ҳуқуқлари-ни ҳимоя қилиш жами-яти мутахассислари, муурожаатчи М.М. ва дўкон сотувчиси ишти-рокида ўрганилиб,

дўкон раҳба-рига қонун до-ирасида ва нуқсонли бор-лиги тушунти-рилиб, М.М. хоҳишига кўра, унинг 1 320 000 сўм пули қайта-

риб, олиб берилди.
М.УМАРОВ,
Денов туман
Истеъ молчилар
ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш жамияти маъ-
рифий-тарғибот,
мониторинг ва
ахборот-таҳлили
бўйича инспектори.

Денов тадбиркорлик ва Педагогика институти Педагогика факультетида декан маслаҳатчиси Иноят Элмуродова факультет талабалари билан Олий таълим ташкилотларидаги болалар билан ишлаш маҳоратига эга бўлган иқтидорли талабаларни оромгоҳларга тарбиячи ва етакчи лавозимларига жалб этиш бўйича тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш мақсадида давра суҳбати ўтказди.

ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ



Жараёнда талаба-мазмунли ва мароқли ларга ёзги таътилни ўтказиш, тажриба орт-

Жараён

тириш имконини берув-чи “Оромгоҳлар.уз” платформаси ва ундан фойдаланиш йўллари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Талабалар томони-дан турли мазмундаги саволлар берилиб, жа-раён қизгин тарзда да-вом этди.

Ҳ.ТЕМИРОВ.

“ТАХИР ОЛМАНИНГ ШИРИН САНЧИҒИ – ЎША НОРДОН ОЛМА АСЛИДА ОНАМИНГ КЎЗ ЁШИ ЭДИ”

Мен мамлакатимизнинг энг нуфузли олий таълим му-ассасаларидан бирида иш-лайман. Ҳафтанинг беш куни талабалар, дарслар, илмий изланишлар ва шаҳар шовқини билан ўтади. Фа-қатгина шанба ва якшанба кунлари уйдаман.

Хар душанба ва жума кеч-қурун ишдан уйга қайтаётган-нимда, албатта, фарзандларимга видео кўнгирак қила-ман. “Болам, нима егинг кел-ляпти? Нима олиб борай?” деб сўрайман. Уларнинг кич-кинагина қувончи учун дунё-ни оёғи остига ташлашга тайёр тураман.

Лекин бугун йўл четида тўхтаб, бир ҳақиқатни англа-дим ва вужудимни совуқ бир титроқ босди... Мен фарзандларимга нима хоҳлашини сўрайман-у, аммо менинг борлигимга са-бабчи бўлган, пойида жаннат яширинган волидамдан: “Онажон, ҳеч қаерингиз огримаяптими? Нима егин-гиз келяпти?” деб сўрашни унутибман. Гўё оналар ҳеч қачон касал бўлмайдигандек, гўё оналарнинг кўнгли ҳеч нарсани тусамасдек...

Хотирамда бир кино лав-ҳаси жонланди. Болалиғи-

мизда барчамиз севиб томоша қилган “Сен етим эмассан” фильмида бир сахна бор: Она Надя фарзандининг туғилган куни учун бор-будини, ҳатто тикув машинасини сотиб, болаларига олма олиб келади. Фарзанд-лари: “Онажон, сиз ҳам енг”, деб узатишганида, она: “Олма тахир экан, болам, менга ёқмади”, деб емасдан болаларига тутлади.

Болалик экан-да, мен рол-дан ҳам ўша олмани нор-дон ёки тахир бўлса керак, деб ўйлардим. Бугун ўзим ота бўлиб англадимки, олма нор-дон эмас, аксинча, дунёдаги энг ширин мева бўлган. Фа-қат ўша ширинликни она ўзи татишни эмас, жигаргўшаси ейишини хоҳлаган. Она ўз нафсидан кечган, она ўз со-ғлигидан кечган, она ўзидан кечган...

Биз эса уларнинг бу фи-дойилигини баъзан оддий ҳолдек қабул қиламиз. Улар сўрамаса ҳам, “ҳеч нарса ке-рак эмас” деса ҳам, аслида дийдоримизга, эътибори-мизга муҳтожлигини кеч ту-шунаемиз.

Ҳозир машинани ўзим ту-ғилиб ўсган қишлоғим то-



монга бурдим. Онаминг ҳузурига кетяпман. Кўлимда у яхши кўрган ширинликлар эмас, балки қалбим тўла пуш-мон ва чексиз соғинч бор. Бориб, онажонимнинг дуоси-ни оламан, пойига бош қўяман.

Хулоса ўрнида айтмоқчи-манки: Азизлар, онангиз ҳаётми, Сиз дунёдаги энг бой одамсиз. Улардан ҳола-аҳвол сўрашни, “нима егин-гиз келяпти?” дейишни кан-да қилманг. Уларнинг “ҳеч нарса керак эмас” деган сўзлари ортида “боламнинг ютуғини кўрсам бўлди” деган улкан муҳаббат ётишини унутманг. Онамизни борида қадрлайлик!

Жамшид НАЗАРОВ,
Термиз давлат
университети
Ўзбек филологияси
факультети тютори.

Мазкур ҳафталик доирасида аҳоли ўртасида му-толаа маданиятини юксалтириш, китобхонликни кенг тарғиб этиш ҳамда ёшларнинг маънавий-ах-лоқий камолотини кўллаб-қувватлаш мақсадида турли маърифий тадбирлар ташкил этилади.

“КИТОБСЕВАР МИЛЛАТ” ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН VI КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ БОШЛАНДИ

Денов туман Ах-борот- кутубхона марказида “Китоб-хонлик ҳафталиги”-нинг тантанали очи-лиш маросими кўта-ринки руҳда ўтказилди. Тадбир да-вомида 2- сон техни-кумининг ўқувчилари,



“Дўстлик” МФЙдаги китобхон ёшлар иштирокида кутубхо-на бўйлаб саёҳат қилиниб, “Мутолаа- инсон маънавияти-нинг энг муҳим озқасидир” мавзусида суҳбат ўтказилди. Тадбир давомида китоб бу билим манбаи, маънавият озу-қаси эканлиги, китоб мутолааси инсон ҳаётида муҳим ўрин-тутиши, ҳар бир ўқилган асар инсонни янги фикрлар, янги ғоялар билан бойитиши ҳақида таъкидлаб ўтилди. Ҳафта давомида Денов Абу Али ибн Сино номидаги жамоат сало-матлик техникумида, Денов туманидаги 5-умумий ўрта таъ-лим мактаби ва 1-сон ихтисослашган мактабларида турли хил тадбирлар, давра суҳбатлари ва викторина савол жа-воблар ўтказилди. Китобхонлик ҳафталиги ҳафта давомида кўтаринки кайфиятда ўтказилди.

Д.НЕГМАТОВА,
Денов туман Ахборот-кутубхона марказининг
Абонементлар ва фойдаланувчиларга хизмат
кўрсатиш хизмати мутахассиси.
Л.ИБОДУЛЛАЕВА,
Ахборот-коммуникация технологиялари
ва рақамлаштириш хизмати мутахассиси.

СОҒЛОМ ТАНДА – СОҒ АҚЛ

Жисмоний тарбия, бадан тарбия – соғлиқни мустаҳкамлашга, одам организмини уйғун равишда ривожлантиришга қаратилган умумий тарбиянинг узвий қисми. Жамиятдаги жисмоний маданият аҳволини билдирувчи кўрсаткичлардан бири. Жисмоний тарбиянинг асосий воситалари: жисмоний машғулотлар, организмни чиниқтириш, меҳнат ва турмуш гигиенаси.



Ибтидоий даврдан бошлаб жисмоний тарбияга алоҳида эътибор қаратилган. Дастлаб у жисмоний машқлар, турли ўйинлар, меҳнат жараёнлари, овчилик, ҳарбий ҳаракатларга ўхшаган мусобақалар ва синовлар шаклида мавжуд бўлган, турли маросимларни акс эттирган. Кейинчалик ёшларни қиличбозлик, чавандозлик, камондан отиш, якка-якка кураш маҳоратига ўргатиш жамиятнинг

асосий вазифаларидан бирига айлана борган. Уйғониш даврида жисмоний тарбияга эътибор янада кучайди. Бадан тарбияга ўрта асрларда Европада оилавий тарбия ва мактабдаги педагогик жараённинг муҳим қисми сифатида қарала бошланди. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида келиб жисмоний тарбия ва спорт давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Жисмоний тарбиянинг кенг тармоқли тизими: оилавий, мактабгача давр (чақалоқликдан бошлаб боғча ёшидаги), мактаб ёши, ўрта махсус ва олий таълим даври ҳамда катта ёшдаги (эркак ва аёллар) бадан тарбиясини ўз ичига олади. Ўзбекистонда умумтаълим мактабларидаги жисмоний тарбия педагогик жараён ҳисобла-

ниб, унинг дарслари, спорт секцияларидаги машғулотлар орқали амалга оширилади. «Умумий ўрта таълим мактаблари учун жисмоний тарбиядан давлат таълими стандарти» бўйича ҳафтасига 2 соатдан жисмоний тарбия дарслари жорий этилган. Ўқувчи-ёшлар ўртасида жисмоний тарбияни янада оммалаштириш ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида махсус тест синовлари ишлаб чиқилган.

Юртимизда спортга эътибор жуда катта. Ҳамма шарт шароитлар Юртбошимиз ташаббуслари билан чекка-чекка ҳудудларда ҳам яратилиб кўйилган.

Шу имкониятлар мева-си сифатида Ватанимизнинг байроғи жаҳон ареналарида ҳилпираб турибди.

Камолитдин ХУКИМАЕВ, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси ўқитувчиси.

Болалар спортини ривожлантириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун яратилган шароитлар фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом вояга етиши, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

СПОРТ – СОҒЛОМ ҲАЁТ ГАРОВИ

Бугун юртимиздаги замонавий шарт-шароитга эга мухташам спорт мажмуалари, очик ва ёпиқ сув ҳавзалари, стадионлар, спорт заллари ва майдонлар минг-минглаб ўғил-қизлар учун сеvimли масканга айланган. Бу ерда улар ўзи танлаган спорт турлари билан мунтазам шугулланиш, тажриба ва маҳоратини ошириш имкониятига эга бўлмоқда.

Аваллари ота-оналар фарзандининг спорт билан шугулланишини вақтни беҳуда сарфлаш, деб тушунарди. Спорт ва таълим-тарбия бир-бирига зид тушунчадек эди. Боласини спорт тўғрисида беришни истаган айрим ота-оналар ҳам шахар ёки туман марказига қатнашига тўғри келарди. Мураббий ва йўриқчилар фақат жисмонан бақувват болаларнигина танлаб оларди. Саломатликни мустаҳкамлаш, соғлиқ учун спорт

билан шугулланиш, деган тушунчаларга ҳамиша ҳам эътибор қаратилмасди.

Бугун эса спортчиларимиз эришадиган ютуқлар, уларнинг меҳнати давлатимиз томонидан юқори баҳолаб, шарафланаётганини кўрган болалар ва ота-оналарнинг жисмоний тарбия ва спортга муносабати тамоман ўзгарди. Ҳозир ота-оналарнинг ўзи фарзандини спорт мажмуасига етаклаб келмоқда. Чунки, шахар ва қишлоқларимиз, энг чекка ҳудудларда ҳам спорт билан шугулланиш учун кенг имкониятлар яратилган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда бугун жисмоний тарбия ва спорт фарзанд тарбиясининг муҳим мезонига айлангани, соғлом турмуш тарзи, жисмоний ва маънавий камолот сингари муштарак тушунчалар кундалик ҳаётимизда мустаҳкам ўрин олаётганидан



далолатдир. Айниқса, фарзандларимизнинг кичик ёшдан жисмоний тарбия ва спортга дўст тутингани улар тарбияси учун гоят аҳамиятлидир. Шу боис фарзандини кўлидан етаклаб мажмуага келаётган ота-оналар сафи тобора кенгаймоқда.

Ботир МАМАНАЗАРОВ, Узун туманидаги 28-мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси.

КЕЛ МУАЛЛИМ, ЎРГАТ МЕНГА ЁЗИШНИ

Кел муаллим, ўргат менга ёзишни, Ёзай токи дилдан тошган сўзларим. Вулқон мисол отилмоқда кундан-кун, Келажакка интиқ боқар кўзларим.

Кел муаллим, ёққин қалбим тўрига, Маърифат – мангуга ўчмас чироғинг. Сендан олай бутун борлиқдек кенгроқ, Бир умрга татир берган сабоғинг.

Кел муаллим, сўзинг биз учун қонун, Сен не десанг ишонурмиз шубҳасиз. Халқимга улашган таълимнинг учун, Сенинг номинг буюк калом хўп азиз.

Эй муаллим, яратгансан бўлиб банд, Порлоқ истиқболга чиқарар нарвон. Авлодларга насиб баланддан-баланд, Сендан ибрат мерос чексиз эҳтиром.

ЎТАР ЕЛДЕК ШОШИБ ВАҚТЛАРИМ

Ўтар елдек шошиб вақтларим, Илмсизлик томон бормасман. Дилда бордир ғайрат, шахдларим, Довонларда асло толмасман.

Маҳкам тутдим устоз кўлини, Асрар бўлди тубсиз жарликдан. Кўрсатдилар илм йўлини, Наҳот тоддим охир борликдан.

Баҳор келса яшнайдим боғлар, Айтинг, қачон яшнайдим инсон? Токи китоб ўқилмас экан, Зулмат кечар бу рўйи жаҳон.

Илм нури ёғиб кўзимдан, Ёришди тан, вужудим, қалбим. Ёғса ҳикмат ёзиб сўзимдан, Шундан ибрат ол, эй фарзандим.

Сени фақат илм қутқарар, Жаҳолатга ботма, эй инсон! Маърифат нур, зиё томон бор, Келажакнинг кўлинида ишон.

Махлиё АБДУРАЗЗОҚОВА, ДТПИ ижтимоий иш таълими йўналиши талабаси.



ОНАЖОН

Онажоним гул райҳоним, Мени асровчи кўрғоним. Сўзларингиз дуру-гавҳар, Барча бойликдан афзал.

Биз фарзандлар бахтига, Дунё тургунча туринг. Бошимизда тож бўлиб, Бахту камолим кўринг.

Дилсўз ИБРОҲИМОВА, Денов туманидаги 18-мактабининг 1-“Б” синф ўқувчиси.



УСТОЗИМ

Оқ қорани танитдингиз, Йўлларимни ёритдингиз. Арманимни аритдингиз, Сиздан миннатдорман Устозим!

Ўқиб олим бўлажакман, Мен ишончли келажакман. Ишончингиз оқлажакман, Сиздан миннатдорман Устозим!

Рухсора СОАТОВА, Денов туманидаги 18-мактабининг 3-“Е” синф ўқувчиси.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ ТАДБИҚ ЭТИШ МЕТОДИКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Сунъий интеллект технологиялари таълим жараёнида янги даврни бошлаб берди.

Анъанавий таълим усуллари-дан фарқли равишда, сунъий интеллект ёрдамида таълим индивидуалаштирилиши, ўқувчиларнинг қобилият ва эҳтиёжларига мос равишда ўзгартирилиши мумкин. Бу эса таълим самарадорлигини ошириш учун асосий омиллардан биридир. Қуйида уларнинг асосий афзалликлари келтирилади:

Сунъий интеллект орқали ўқувчиларнинг қобилиятлари ва ўзлаштириш даражаси ҳисобга олинади. Масалан:

— Мавзуни тушуниш даражасига қараб вазифаларни мослаштириш. Ҳар бир ўқувчи учун мос материаллар танланади. Бу эса уларга мавзуни яхшироқ тушунишга имкон беради.

— Қайта ўзлаштириш. Ўқувчилар тушунишга қийналган мавзуларни қайта ўзлаштириши учун ёрдам берилади.

— Ишлаш суръати ва натижаларга мос келувчи дарс матери-

аллари. Ўқувчилар вақтни тежаб, ўзлаштириш учун энг самарали материаллар билан таъминланади.

Сунъий интеллект технологиялари ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини кузатиш ва таҳлил қилиш имкониятини тақдим этади.

— Дарс давомида онлайн тест синовлари. Синов натижаларига асосланган равишда ўқувчиларнинг билим даражаси аниқланади ва зарур кўрсатмалар берилади.

— Таҳлилий натижалар асосида ўқув режаларини оптималлаштириш. Дарс режаларининг самарадорлигини ошириш учун индивидуал ўзлаштириш даражасига мос равишда ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

— Ўқувчиларнинг ривожланиш та-

рихини сақлаш. Ҳар бир ўқувчи учун алоҳида тарих яратилиб, унинг бу фандан ўзлаштириш даражаси кузатилади.

— Ўйин ва викториналар. Сунъий интеллект асосида ташкил этилган ўйин ва викториналар ўқувчиларда қизиқиш уйғотади ва уларни дарсда фаолликка ундайди.

Келажакда сунъий интеллект технологиялари янада такомиллашиб, мактаб таълимида кенг қўлланиши кутилмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг таълим жараёнида янада юқори натижаларга эришишига ва ҳар бирининг шахсий эҳтиёжларига мос таълим олишига ёрдам беради. Мактаб дарсликлари ва таълим ресурсларини автоматлаштириш, таълим жараёнини бошқаришнинг янги усуллари, шахсий ривожланиш учун сунъий интеллект ёрдамида режалаштирилган стратегиялар шулар жумласидандир.

Ойжамол ЭРГАШЕВА, Денов тадбиркорлик ва педагогика институти Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси.

TASHRIF ижтимоий — сиёсий газета
Муассис: «Ташриф Сурхон» МЧЖ

Газета Сурхондарё ҳамда республикамизнинг айрим вилоятлари бўйлаб тарқалмоқда.

Бош муҳаррир:
Темиров Хусниддин Нормуродович

Газета Ўзбекистон Матбуот ва Аxbорот агентлиги Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2016 йил 12 апрель куни 11-065 рақами билан қайта рўйхатга олинган. Нашр индекси: 6529

Навбатчи: **Г.АБДУЖАЛИЛОВА**
Мусахҳих: **Н.АБДУРАҲИМОВА**

Тахририят манзили: Денов шаҳри 190500. Ш.Рашидов кўчаси, 247-уй. ТЕЛ: 76-413 53 74.

Газета «Surxon tongi» ва «Заря Сурхана» газеталари тахририяти босмаҳонасида А-3 ҳажмда чоп этилди. Адади: 1600 нусха.

Баҳоси сотувда келишилган нарҳда. t-тижорат белгиси.

Газета «Tashrif Surxon» МЧЖнинг компьютер бўлимида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи:
Махлиё ХУДОЙБЕРДИЕВА
Босишга топшириш вақти 16.00.

Буюртма Г 2